

МАТНИИ ЧЕГАРАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Л. Кудратов¹*Аннотация:*

Матннинг коммуникатив бирлиги шуни кўрсатдики, матндаги гапларнинг ўзгариши ўз-ўзидан эмас, балки маълум мезонларга бўйсунуши орқали амалга ошириши мақолада мисол орқали кўрсатилган. Гаплар бир хабарни етказиб иккинчи хабарга ўтганда, улар ўзаро боғлиқ бўлиши ва тема-рематик занжир ҳосил қилиши мумкинлиги тадқиқи ўрганилган.

Калит сўзлар: интонацион, адекват, тема-рема, дискурс, ассоциатив ва пресуппозитив.

doi: <https://doi.org/10.2024/gfgzh342>

Сўнгги пайтларда фразеологик чегараларини, унинг интонацион тузилишини ўрганиш орқали аниқлаш тенденцияси юзага келди. Матннинг чегарасини унинг охирги гапнинг узунлиги орқали аниқлашга уриниш мунозарали кўринади. Шубҳасиз, хабарнинг охири қанчалик яқин бўлса, гаплар шунчалик маълумотга бой бўлади ва шу билан бирга, уларнинг семантик вазни ҳам ошади. Бироқ охирги гаплар аввалгилари билан коммуникатив алоқаси туфайли максимал маълумотни олади. Ушбу жиҳатларсиз улар ахборот мазмуни даражаси бўйича, инициал гапларга тенг бўлар эди. Бу семантик ифодани ошишини ҳар доим ҳам гапларнинг аъзоларининг кўпайиши, унинг синтактик тузилишининг мураккаблиги билан бирга келади, деган фикрга қўшилиш қийин. Бунда О. И. Москальскаянинг фикрига мурожаат қилиш ўринлидир. Унинг фикрига кўра, матнда мавжуд бўлган ёйиқ синтактик конструкциялар бадий адабиётда ишлаб чиқилганларига қараганда кўпроқ семантик турли-туманликка эга бўлиши мумкин (Москальская О.И., 1981. - 175 с.).

В. В. Виноградов ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган сегментлаш усули, услубий жиҳатидан тубдан фарқ қилувчи иккита матн қисмининг чегарада баробар мавжуд бўлиши ҳақида гап кетгандагина аҳамият касб этади, яъни: тавсиф ва баён. Бундан ташқари, матннинг ушбу бўлимларини қисмларга ажратишнинг зарурий шарти – мавзунинг узлуксизлигини бузишдир. (Виноградов В.В., 1975. - 559 с.)

Агар теманинг узвийлиги сақланиб қолса ва феълнинг замон шакллари ўзгарса, матннинг чегараланиш жараёни мураккаблашади. Масалан: 1) She could feel a blush staining her cheeks, 2) for she had often slipped away to meet Jeremy, 3) Seeing him again had recalled the wonder of those days, 4) And Horace's tales proved, 5) that part of her was inextricably woven into the Mason family tapestry, anchoring her to a tradition that stretched centuries into the past, 6) Another layer of ice melted from around her heart.

Биринчи ва тўртинчи гаплар ифодани ташкил қилади. Олтинчи гапда кейинги матнга ишора юзага келган. Аммо, уларнинг феълнинг шакл ва замон хилма-хиллигидан фойдаланиб, баённи ифодадан ажратиб бўлмайди (4-5 гаплар бирикмасида). Тўртинчидаги “proved” феъли янги воқеликни бошлаб бермайди, аммо

¹ Кудратов Лазиз, СамДТУ ўқитувчиси

ундан олдинги вазиятга ишора қилади. Аввало, бешинчи ва олдинчи гаплар ўртасида тематик давомийлик сақланиб қолади – бир хил семантик сатҳ ривожланади. Предикат шакллари ҳаракатни чегаралаш функциялари бу шакллардаги феълларнинг жараён чегараларини ташкил этишида намоён бўлади. Агар Past simple феъл шакли матн семантикасини бошидан охиригача ҳаракатни яхлитлигини, даҳлсизликни ифодаласа, у ҳолда Past Perfect шакли жараённинг дастлабки ва якуний босқичларини беради ва улар орасига оралиқ босқичларни жойлаштириш мумкин: Шунга ўхшаш ўзбекча матнга назар ташлаймиз. Сарибой Чувалачидаги Юсуф кантор билан қимор ўйнаб унинг мевазорлари, ички-ташқи қўрғончаси, бутун дов-дасгоҳини-ҳаммасини ютиб олибди. Юсуф канторнинг боғи айниқса унинг баҳаво шийпони бизнинг хўжайинга маъқул тушиб қолиб, дарров ўша ердан битта дўндиққина қирғиз хотинни олиб, бир борганда ўн, ўнбеш кунлаб калласига қайтмайдиган бўлиб қолди. Олмалар пишиб тўкилиб кетаётибди. Хўжайиндан рухсатсиз теришга ҳеч ким ботина олмайди. Отларга ем-хашак йўқ. Хизматкорлар оч, лекин бойнинг олдига боришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Ҳар гапдан кейин бериладиган “иннан кейин” саволидан ҳамма кўрқади. (Ғафур Ғулом, 148-бет). Ушбу берилган матндаги замон шакл таркибидаги фарқлар унинг семантик ва таркибий семантик яхлитлигини бузмайди. Аммо, одатий воқеа-ҳодисалар билан тугалланган воқеа-ҳодисаларни бир мазмунга бирлаштирган. Жумладан, ушбу матндаги “ҳаммасини ютиб олибди” ҳикоявий ифодага эга бўлиб, нутқ вазиятидан анча олдин тугалланган натижавий иш ҳаракатни ифодалаган. Матндаги “қайтмайдиган бўлиб қолди” фразеологик бирикмаси эса, нутқ вазиятини ҳозирги воқелик билан алоқадорлигини ёки такрорланиши одат тусига кириб бораётган воқеликни ифодалаш учун хизмат қилган. Бундан ташқари матндаги “тўкилиб кетаётибди” бирикмаси эса нутқ жараёни пайтида давом этаётган воқеани ифодалаб келган. Худди шу каби одатий тусга кирган “ботина олмайди”, “ем-хашак йўқ”, “юраги дов бермайди” каби предикатлар ҳаракатнинг одатий яъни ҳабитуал семантикасини ифодалаб келган. Берилган матндаги замон шакли таркибидаги фарқлар унинг семантик ва таркибий-семантик яхлитлигини бузишмайди, аммо одатий воқеа-ҳодисалар билан тугалланган ҳодисаларни бир мазмунга бирлаштирган. Тематик жиҳатдан матн тўлиқ бўлиши учун феълнинг лексик ва грамматик семантикаси боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этади. Илмий адабиётларда тема-рематик прогрессияда фаоллашуви қайд этилади.

Матн чегараланиши жараён турлича бўлиши мумкин. Жумладан, дискурс мазмунига қараб, ҳамда жанр ичидаги мураккаб ҳодисаларни бир тизимга бирлашиши муҳим ўрин тутаети. Чегараланиш яхлитлик орқали амалга оширилади, у ассоциатив ва пресуппозитив муносабатларига асосланади, уюшиқлик (cohesion = матн таркибидаги алоқалар) расмий грамматик воситалар билан объективлашади: олмошлар, равишлар ва феъл замон шаклини танланиши муҳим ўрин тутаети. (Гальперин И.Р., 1981. - 135 с.)

Т. М. Николаеванинг асосли таъкидлашича, матн тилшунослигининг асосий вазибаларидан бири инсоннинг “тўғри” мулоқот қилиш шартларини тавсия этишдир (Николаева Т.М., 1972, 48-54с) Матнни тўғри қуриш ва уни семантик маънода адекват идрок этиш, матннинг лингвистик бирликларининг ўзаро боғлиқлик шартларига риоя қилишни талаб қилади. Шу сабабли, ўзаро боғлиқлик муаммоларини анъанавий грамматика, яъни ибора ва жумла даражасида ҳам кўриб чиқиш мумкинлигига қарамай, матн тилшунослигининг умумий муаммоларига ишонч билан боғлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Москальская О.И. Грамматика текста. - М.: высшая школа, 1981. - 175 с.).
- [2]. Виноградов В.В. Исследования по русской грамматике. -М.: Наука, 1975. - 559 с.)
- [3]. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981. - 135 с.)
- [4]. Николаева Т.М. Актуальное членение - категория грамматики текста. - Вопросы языкознания, 1972, f- 2, с.48-54.